

KONFERENSIYA

“JIZZAX VILOYATI IJTIMOIIY-IQTISODIY
RIVOJLANISHINING ASOSIY
YO’NALISHLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR”



RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

2025-yil 21 noyabr

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY
UNIVERSITETINING JIZZAX FILIALI**



**JIZZAX VILOYATI IJTIMOIIY-IQTISODIIY
RIVOJLANISHINING ASOSIIY YO‘NALISHLARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**
*mavzusidagi Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari
to‘plami*
(2025-yil 21-22-noyabr)

JIZZAX-2025

Jizzax viloyati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari: muammo va yechimlar. Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari to‘plami – Jizzax: O‘zMU Jizzax filiali Iqtisodiyot va turizm kafedrası, 2025-yil 21-22-noyabr. 557-bet.

Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman materiallarida zamonaviy kompyuter ilmlari va muhandislik texnologiyalari sohasidagi innovatsion tadqiqotlar aks etgan.

Globallashuv sharoitida davlatimizni yanada barqaror va jadal sur‘atlar bilan rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar samarasini yaxshilash sohasidagi ilmiy-tadqiqot ishlariga alohida e‘tibor qaratilgan. Zero iqtisodiyotning, ijtimoiy sohalarni qamrab olgan modernizatsiya jarayonlari, hayotning barcha sohalarini liberallashtirishni talab qilmoqda.

Ushbu ilmiy ma‘ruza tezislari to‘plamida mamlakatimiz va xorijlik turli yo‘nalishlarda faoliyat olib borayotgan mutaxassislar, olimlar, professor-o‘qituvchilar, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining ilmiy xodimlari, tadqiqotchilari, magistr va talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari mujassamlashgan.

Mas‘ul muharrirlar: DSc.prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M.

Tahrir hay‘ati a‘zolari: p.f.d.(DSc), prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M., t.f.f.d.(PhD), prof. Abduraxmanov R.A., p.f.f.d.(PhD) Eshankulov B.S., p.f.n., dots. Alimov N.N., p.f.f.d.(PhD), dots. Alibayev S.X., t.f.f.d.(PhD), dots. Abdumalikov A.A, p.f.f.d.(PhD) Hafizov E.A., f.f.f.d.(PhD), dots. Sindorov L.K., t.f.f.d.(PhD), dots. Nasirov B.U., b.f.f.d. (PhD) O‘ralov A.I., p.f.n., dots. Aliqulov S.T., t.f.f.d.(PhD) Kuvandikov J.T., i.f.n., dots. Tsoy M.P., Sharipova S.F., Jo‘rayev M.M.

Mazkur to‘plamga kiritilgan ma‘ruza tezislarning mazmuni, undagi statistik ma‘lumotlar va me‘yoriy hujjatlarning to‘g‘riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalar, keltirilgan takliflarga mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН ТЎЛИҚ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Иватов Ирисбек

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Туризм ва меҳмонхона
бизнеси” кафедраси профессори. и.ф.д., проф.
e-mail: irisbek1204@mail.ru*

Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, «сайёрамиздаги ишлаб чиқариш-хизматлар бозори айланмасининг 10 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. Дунё давлатларидан мамлакатимизга келувчи туристлар сони ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Туристик индустрияни ривожлантириб, туристик хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг даражасини баҳолаш, туризмнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, хавфсиз туризмни ташкил қилиш, соҳада самарали фаолият юритиш учун оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш каби йўналишларга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Туризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳисобига туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қадимдан тарихий обидаларга бой мамлакат. Аммо ушбу объектлар мустақилликкача туристик объект сифатида фойдаланилмасдан келинади. Самарқанд шаҳрида ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида эътироф этилишича Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туриши қайд этилди. Буларга Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Улўғбек расадхонаси, Бухоронинг кўҳна Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Хиванинг Ичанқалъаси, Қаршининг Одина, Кўкгумбаз обидалари, Шаҳрисабзнинг Оқсарой маданий ёдгорлиги, Қўқон ўрдаси доимо сайёҳлар билан гавжум. Уларнинг ҳар бири ҳамиша дунё аҳлини ўзига ром этиб келган. Самарқанд шаҳрида ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Греция, Хорватия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби ўнлаб мамлакатлардан мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этган эди.

Ўзбекистонда туризм саноатининг асосий капиталига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2023 йилда 66,4 миллиард сўмни, меҳмонхона ва бошқа жойлашув воситалар сони 910 тани, жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони 22,0 мингтани ташкил қилади. Натижада туризм хизматлари экспорти 951 миллион АҚШ долларини ташкил этди, туризм фаолияти билан шуғулланадиган субъектлар сони 418 тага етди⁵⁸. Кўриниб турибдики, ушбу соҳа ҳам кескин ривожланмоқда. Лекин мамлакатимизда туризм индустриясини янада тараққий эттириш учун яна бир қатор ишларни амалга ошириш зарурати бор. Чунки бизнинг мамлакатимиздаги мавжуд туристик салоҳият хорижий туристлар сонини экспертларнинг баҳолашича яна 10 мартадан зиёдга оширилиши мумкин экан.

Мазкур қарорга биноан туризм индустриясининг ривожланиши ва туризмни диверсификация қилиш йўллари ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида янги меҳмонхоналар (30, 40, 60, 200 ўринли) ва туризм инфратузилмаси объектларини қуриши мўлжалланган. Бу албатта туристларнинг кечки бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратишга, жумладан, маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган. Бу борада жаҳон тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки тунги дам олиш тадбирларини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда тажриба етарлик эмас. Бу кўпинча бизнинг менталитетимизга ҳам боғлиқ. Чунки, тунда юриш, дам олиш учун меҳмонхоналарнинг ишлаши одат тусига кирмаган. Туризмнинг ривожланишининг яна бир йўналиши Ўзбекистон шаҳарлари ва туристик ресурсларга бой ҳудудларнинг брендини яратиш ва уларни тарғиб қилиш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу ерларда меҳмонхоналар, ҳудуднинг ободонлаштирилиши, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари жаҳон андозалари даражасида ташкил қилинган ва бу жараён янада такомиллаштирилмоқда. Туризмни ривожлантиришнинг яна бир омили янги туризм йўналишларини яратиш ва туризмнинг янги турларини ривожлантиришдан иборатдир. Туристлик объект сифатида асосан тарихий ва маданий обидалар намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда туризмни диверсификация қилишнинг йўналишларидан бири туризмнинг экологик, илмий, экстремал, гастрономик ва бошқа турларини янада кўпайтиришдан иборатдир. Туризмнинг мазкур турлари бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд. Хусусан, биргина Самарқанд вилоятида кўзда тутилган туристик объектларни қуруш ва реконструкция қилиши учун умумий молиялаштириш ҳажми 39 млрд 340 млн сумни ташкил қилади. Шу тариқа, 2022-2026 йиллар мобайнида туризм хизматлари экспорти ҳажмини 2,5 бараварга, хорижий туристлар сонини 3 бараварга ошириш мумкин. Шунга ўхшаш параметрлар Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти, Хива шаҳри ва Хоразм вилоятида, Шаҳрисабз ва Қашқадарё вилоятларида ҳам кўзда тутилганлигини инобатга олинадиган бўлса, мазкур соҳага қанчалик эътибор қаратилаётганлигини билиш қийин эмас. Бунга эришиш учун туризм

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари.

салоҳиятини худди шу муддатда жадал ривожлантириш учун тегишли чоратadbирлар дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги, ширин-шакар меваларининг, такрорланмас миллий таъомлари ва ширинликларининг борлиги туризмнинг янги йўналиши бўлган гастронмик туризмни ривожлантириш учун тегишли шароит мавжудлигидан далолат беради. Бу масалага ҳам ҳозирги пайтда катта аҳамият берилмоқда. Туризмни ривожлантириш бўйича ҳар бир ҳудудда гостранамик туризмни ривожлантириш учун тегишли инфратузилмаларни яратиш масалалари кўзда тутилган. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бир-бирига ўхшамайдиган бетакрор туристик объектлар мавжуд. Шу туфайли туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳар ҳудудларда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланади. Бунда ҳудудларда мавжуд барча туризмни ривожлантиришга оид салоҳиятдан фойдаланиш масаласи устуворликни ташкил қилади. Шу туфайли ушбу масаланинг моҳиятини, улардаги ҳолатни тўлиқ ўрганиш мақсадида жойларда мазкур масалани ўрганиш ташкил этилади ва ушбу масала бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг ҳисоботлари тегишли тартибда, тегишли бошқарув даражасида эшитилади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиқиб, ушбу объектларни молиялаштириш масаласи ўта муҳим масалалардан бири эканлигини қайд қилишимиз лозим. Бунга биринчи галда чет эллик тадбиркорлар ва мамлакатимиз сармоядорларининг маблағларини жалб қилиш кўзда тутилган. Зарур ҳолларда мазкур мақсадларни амалга ошириш учун давлат кўмагини олишга доир таклиф ва буюртмаларнинг ҳам бўлиши мумкинлиги, мамлакатимизда ўрнатилган тартибга асосан амалга оширилади. Ҳарактерли жиҳати шундаки, туризмни, айниқса чет элдан келадиган хорижий туристларни мамлакатимизга жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳам жалб қилинган. Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бизда ислом тамаддунига улкан ҳисса қўшган жуда кўп зиёрат объектлари мавжуд. Булар жумласига биргина Самарқанд вилоятида Имом Бухорий, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, Хожа Ахрори Вали, Шайх Худойдоди Валий, Шоҳ Неъматулло Валий, Маҳдуми Хоразмий, Сайид Ота каби масканлар киради. Зиёрат туризми бўйича ҳамкор мамлакатлар билан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб виза тартибини соддалаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Туризм соҳаси бевосита аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатинини оширишга, иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлигининг ошишига таъсир қиладиган муҳим омиллардан биридир. Аммо туризмни ривожлантириш ўта мураккаб бўлиб, уни амалга оширишда таъсирчан ташкилий-иқтисодий механизмлардан тўғри фойдаланишни тақозо қилади. Ўз навбатида ташкилий-иқтисодий механизмлар барча соҳалардаги сингари, туризм соҳасида ҳам қотиб қолган ёки ўзгариши мумкин бўлмайдиган дастак эмас. Улар бир томондан, вақт ўтиши билан жамиятнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг юксалиши, ҳаёт талабининг ўзгариши билан такомиллашиб бораверадиган бўлса, иккинчи томондан, туризмни ривожланиши билан

бирор мақсадга эришиш учун унга таъсир қилувчи омилларни уюштириш, сафарбар қилиш масалаларига янада эътиборни қаратиш лозим бўлади. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграцияланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли фармони.
2. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. Т. . Узбекистон миллий энциклопедияси. 2006. - 423 с.
3. Андрианов В.И. Проблемы развития внутреннего и въездного туризма / В.И. Андрианов // Современные проблемы сервиса и туризма. 2015. - №3.
4. Баранова А. Ю. Организация предпринимательской деятельности в сфере туризма: учеб. пособие / А. Ю. Баранова. – М. : ИНФРА-М, 2012.

FINANCE AND TAX POLICY: DESIGN, IMPLEMENTATION, AND EFFECTS ON REVENUE MOBILIZATION AND GROWTH

Egamova Nargiza Olim qizi

Sambhram University — 4th Year, Business Management.

Special subject teacher at Polytechnic No. 2, Jizzakh city

Abstract: This article examines the role of finance and tax policy in mobilizing domestic revenue, supporting public expenditure, and promoting equitable economic growth. It synthesizes recent international evidence on tax policy reforms, tax administration improvements, and policy trade-offs faced by both developed and developing economies. The paper uses a structured literature review of IMF, World Bank and OECD reports and selected academic studies to identify effective instruments, institutional reforms, and policy sequencing. Key findings highlight (1) the central importance of broad-based taxes and removal of inefficient exemptions for revenue mobilization, (2) the complementary role of stronger tax administration and digitalization to raise compliance, and (3) the need to balance revenue goals with growth and equity through carefully designed incentive structures. The article concludes with actionable recommendations for policymakers and a research agenda for future work.

Keywords: tax policy, revenue mobilization, tax administration, fiscal policy, digitalisation, developing countries